



## Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми

Давронов Фаррухбек Султонбекович

Андижон вилояти ИИБ Миграция ва  
фуқаролик расийлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Аннотация:** ушбу илмий мақолада кишилик жамиятининг ривожланиши, давлатларнинг пайдо бўлиши давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро боғлиқликни юзага келтирганлиги маълум.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси конституцияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро шартномалар, ҳуқуқ, эркинлик, фуқаролик, миграция.

### Introduction

Мазкур жараёнларда инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги кураши оқибатида фуқаролик ғояси пайдо бўлган ва бугунги кунга келиб ҳам фуқароликка оид мақом билан боғлиқ муносабатлар долзарб мавзулардан бирига айланган. Айниқса, дунё мамлакатларида кейинги даврларда миграция оқимларининг кучайиши, ўз навбатида, фуқаролик билан боғлиқ муносабатларда ўзига хос муаммоларни юзага келтирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда махсус адабиётларда фуқаросизлик муаммоси яқин ўтмишда бўлганига нисбатан кенг тан олинаётганлиги мунтазам эътироф этиб келинмоқда<sup>1</sup>. Албатта, қайд этиш керакки, ҳар бир шахснинг фуқаролик ҳолати унинг шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақиллик даврида миллий ҳуқуқ тизимини бунёд этиш жараёнларида давлатчилик рамзларидан бири бўлган фуқаролик институтига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур жараёнларда фуқароликнинг ҳуқуқий асосларини яратишда халқаро ҳуқуқ томонидан умумэътироф этилган тамойиллар устунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 15-моддасида: “Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас”, - деб белгилаб қўйилган<sup>2</sup>. Албатта, бу борада демократик тамойилларга асосланган давлат куриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш мазмунида, унинг манбаи ва фаол аъзоси ҳисобланган ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаати, инсоний кадрляри устуворлигини белгилаш ва таъминлаш бош қоидалардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси конституциясида бир неча ўринда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилган, бу эса фуқаролик институтига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилганини кўрсатади. Фуқаролик ҳолатига

<sup>1</sup> Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришнинг муваффақиятли амалиёти / Парламент аъзолари учун қўлланма, 29-сон, 2019 й. Б.-б.

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т., 2002. Б.-33.

тегишли асосий тамойилларнинг конституция даражасида мустаҳкамланиши оқибатида фуқароларнинг давлат билан мустаҳкам ҳуқуқий муносабатларига асос солинган.

Республикамизда фуқароликка оид қонунлар қабул қилинар экан, унда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 23-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”<sup>3</sup>, - деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасида фуқаролик институти билан боғлиқ, яъни чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомига оид муҳим қоидалар қайд этилган. Мазкур моддага биноан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, идоралари ҳамда мансабдор шахслари томонидан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси барча демократик давлатлар қатори ўз ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Таъкидлаш жоизки, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли шахсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларни ноқонуний чеклаш мумкин эмас. Шу билан биргаликда, улар ҳам ўз навбатида Ўзбекистон халқи, унинг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро шартномаларда белгиланган бурчларни бажаришга мажбурдирлар.

Соҳа олимлари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларини тўлиқ бажариши, олинадиган даромадаларидан солиқ тўлаши, жамият ва давлат манфаатларига зид хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслиги, атроф-муҳитни асраб авайлаши, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини ҳурмат қилишлари лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтишган<sup>4</sup>. Бунинг асосида, албатта, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик каби юксак инсоний фазилатлар ётади.

Ушбу ўринда чет эл фуқароси ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан тайёрланган юридик энциклопедияда чет эл фуқаросига қуйидаги таъриф илгари сурилган:

**“Чет эл фуқаролари** – мазкур давлатнинг фуқароси бўлмаган ва бошқа давлатнинг фуқароси эканлиги тўғрисида тегишли далиллари бўлган шахслардир”<sup>5</sup>.

Чет эл фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати ўз давлатининг миллий қонунчилиги ва тузилган халқаро шартномалар ҳамда келишувлар билан белгиланади.

**Фуқаролиги бўлмаган шахслар** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслардир<sup>6</sup>. Фуқаролиги бўлмаган шахс эса одатда ападрид (ватани йўқ шахс) ёки аполидлар деб ҳам аталади. Фуқаролиги бўлмаган шахс

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг конституцияси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масьул муҳаррир: А.А.Азизхўжаев. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008, Б.-98.

<sup>5</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б.-519.

<sup>6</sup> Юридик атамалар қомусий луғати. / Масьул муҳаррир: Ҳ.Р.Раҳмонқулов; Адабий муҳаррир: Б.А.Эшпўлатов // - Т.: “Шарқ”, 2003. Б.-330.

муайян ҳуқуқларгагина эга бўлиб, қайсидир мамлакатга бирор бир масала юзасидан боғлиқ бўлмайди, ўзи яшаб турган давлатда бирор бир давлат лавозимига тайинлана олмайди, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайди.

Республикада чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисидаги қонуни билан ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг **3-моддасида** асосий тушунчалар қайд этилган бўлиб, унга кўра: фуқаролиги бўлмаган шахс - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс; чет эл фуқароси - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс<sup>7</sup>, деб белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига эътибор қаратсак, ҳар бир шахс муайян ҳуқуқ мақомига эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ҳам ушбу мазмунда халқаро ҳуқуқий норма қабул қилинган. Соҳа олимлари шахснинг ҳуқуқий мақомини – жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, демократия даражаси, қонунийлик аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим сиёсий-юридик категориялардан бири сифатида баҳолашган<sup>8</sup>, яъни умумий тарзда шахс ҳуқуқий мақомини инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ва давлат томонидан конституцияларда, бошқа норматив-юридик ҳужжатларда қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тизими сифатида характерлаш мумкин. Ҳуқуқий мақом ҳар бир шахсга бевосита тааллуқли бўлиб, унга оид қоидалар жумладан чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ қилинади.

Юридик адабиётларда чет эл фуқаролари бир неча тоифаларга бўлинганлигини кўришимиз мумкин, яъни:

- давлатнинг ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари;
- давлатда вақтинча бўлувчи чет эл фуқаролари;
- дипломатик дахлсизликка эга чет эл фуқаролари;
- қочоқ мақомидаги чет эл фуқаролари<sup>9</sup>.

Ушбу ўринда шахснинг ҳуқуқий мақоми унинг фуқаролик нуктаи-назаридан мансублиги билан узвий боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Соҳа олимларининг таъкидлашича, фуқаролик – ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда жавобгарликнинг мавжудлигида ифодаланадиган, давлат ҳудудида яшовчи шахсларнинг давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси бўлиб, бу шахснинг муайян давлат ихтиёрида бўлиши, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам давлатга мансуб эканлигида намоён бўлади ҳамда ушбу мансублик ҳуқуқий ҳужжатлар (паспорт) ёрдамида тасдиқланади, шу билан бирга фуқаролик деганда инсонни сиёсий-ҳуқуқий томондан давлат ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши, қонуний муҳофазаланиши тушунилади<sup>10</sup>.

Қайд этиб ўтилган муҳим факт ва асослар ҳар бир шахснинг “фуқаролик”ка эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бирок, шундай бўлсада дунё

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон

<sup>8</sup> Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – Б.-12.

<sup>9</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б.-519.

<sup>10</sup> Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – Б.-75.

ҳамжамиятида ҳали-ҳануз фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мавжудлиги ушбу соҳадаги муносабатларни қайта кўриб чиқишни, тегишли халқаро нормаларни такомиллаштиришни заруратга айлантормоқда.

Маълумки, фуқаролика эга бўлмаслик ҳолатлари турли хил сабабларга кўра юзага келади жумладан, қонунчиликдаги бўшлиқлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги номукамалликлар ва миграцияни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Бунинг оқибатида, инсонлар давлат бошқарувида иштирок этиш ҳамда ўзининг келажагини мустақил равишда белгилаш имкониятидан маҳрум бўладилар. Фуқаросизлик инсоннинг энг асосий ҳуқуқ ва турли хизматлардан фойдаланишини қийинлаштиради ҳамда инсонларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишига тўсқинлик қилади. Кишининг фуқароликка бўлган ҳуқуқини рад этилиши азият чекиш ва яққаланишга олиб келади.

Бундан ташқари, фуқаросизлик ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қарши омиллардан бири ҳисобланади. Бундай инсонларни идентификациялашни мураккаб жараён сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга фуқаросизлик ҳолатлари жамоалараро низоларнинг кучайишига ёки мажбурий кўчишларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан инсонларнинг фуқароликка эга бўлишини таъминлаш, жамиятда ижтимоий ҳамжихатликни ва ўзаро интеграциялашишни кучайтиришга ҳамда жамият барча аъзоларининг имконияти ва истёждодларидан фойдаланишини мустаҳкамлашда ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахснинг фуқароликка эга бўлиши жамият барча аъзоларининг раванқ топишига хизмат қиладиган инклюзив жамиятлар яратишини таъминлайди.

Ушбу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1961 йилда “Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция”<sup>11</sup> қабул қилинган. Мазкур конвенция 21 моддадан иборат бўлиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилинишида муҳим аҳамият касб этган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида 2018 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Универсал даврий шарҳи доирасида ўтказилган 30-сессиясида Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш билан боғлиқ тавсияларини ижобий қабул қилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришнинг муваффақиятли амалиёти / Парламент аъзолари учун қўлланма, 29-сон, 2019 й. Б.-6.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т., 2002. Б.-33.
3. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: А.А.Азизхўжаев. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008, Б.-98.
5. Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б.-519.

---

<sup>11</sup> Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция /Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1961 йил 30 августда қабул қилинган. /<https://www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf?reldoc=y&docid=625550364>

6. Юридик атамалар қомусий луғати. / Масъул муҳаррир: Ҳ.Р.Раҳмонкулов; Адабий муҳаррир: Б.А.Эшпўлатов // - Т.: “Шарқ”, 2003. Б.-330.
7. <sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон
8. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. – Б.-12.
9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси // Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; –Т.: Адолат, 2010. –Б.-519.
10. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. «Адолат», 2018. – Б.-75.
11. Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция /Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1961 йил 30 августда қабул қилинган. /<https://www.refworld.org/cgi-bin/tehis/vtx/rwmain/opedocpdf.pdf?reldoc=y&docid=625550364>